

## Халқаро сайёҳлик ярмаркаси

Тошкент шаҳрида ўтказилаётган мазкур нуфузли анжуманда дунёнинг 700 дан зиёд фирма ва компаниялари иштирок этмоқда.



«Ипак йўлидаги туризм — 2012»

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Ипак йўлидаги туризм — 2012» XVIII Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси иш бошланди. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ҳамда «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатлар сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, мутахассислар, экспертлар ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак натижаларини бермоқда. Бугунги кунда юртимизда 860 дан зиёд сайёҳлик ташкилоти фаолият юритаётгани, замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сонини кўпайтириб, сервис хизмати кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бораётгани ана шундай кенг қамровли ислохотлар самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Наманган

Вилоят марказидаги «Махсусметаллсаноат» масъулияти чекланган жамиятида Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб автомобиллар учун юқори босимли газ баллонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### Автомобиллар учун газ баллонлари

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган мазкур лойиҳага асосан, биргина жорий йилнинг охирига қадар 32 минг дан 9,2 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Айни чоғда 2,3 миллиард сўм инвестиция ҳисобига ўрнатилган технология линия қувватларини ўзлаштириш давом эттирилмоқда. Янгилик тўлиқ жорий қилиниши билан корхонада 55 ки-

шининг бандлиги таъминланади. Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига қўра, вилоятда Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 19 та корхонада 30 та лойиҳа рўйбга чиқарилиб, 33,6 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу, ўз навбатида, 2,1 миллион АҚШ долларига тенг валютани тежаш имконини берди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Жиззах

Фаллаорол туманидаги «Политрон Неруд» масъулияти чекланган жамияти томонидан янги турдаги маҳсулот — йўл қурилиши учун махсус бетон ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

### Компьютер орқали бошқарилади

Пировардида 10 та қўшимча иш ўрни яратилди. Ушбу лойиҳа рўйи учун жамоанинг ўз маблагидан ташқари, банкнинг 200 миллион сўмлик кредити ҳам йўналтирилди. Эътиборлиси, корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, оғир юмушлар компьютерлар ёрдамида бошқариладиган хориж технологияси томонидан амалга оширилмоқда. Бу эса қўл меҳнати ни камайтириб, маҳсулот таннархининг арзонлашувини таъминламоқда. Айни пайтда кунига 200 метр куб қурилиш материаллари тайёрланиб, йўлсозларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

У. АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Сурхондарё

Термиз туманида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган «Янгиобод» маҳалласида «Сурхондарёдонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти томонидан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологик линия ишга туширилди.

### «Янгиобод»да янги лойиҳа

Қиймати 216 миллион сўмлик мазкур лойиҳа амалга оширилиши билан бу ерда Германия технологияси асосида ойига 50 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш имкони яратилди.

— Айни пайтда ширмови ва қўшни туманлар аҳолиси дастурхонига ҳам фойз киритаяпти, — дейди цех бошлиғи Илҳом Бойқораев. — Энергияни

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Фарғона

Қўқон шаҳрининг 2010 — 2012 йилларга мўлжалланган саноат салоҳиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш ҳудудий дастурига мувофиқ, шу йилнинг ўтган даврида 27 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

### Данаги ҳам фойдали

Бу мақсадлар учун 121 миллиард сўмликдан зиёд инвестиция ўзлаштирилди. Хусусан, «Эффектив ойл» корхонасида 205 миллион сўмлик маблағ эвазига мева данагидан тиббиётда кенг қўлла-

ниладиган ёғ олиш технологияси ишга туширилди. Натижада бу ерда йилга 1,5 минг тонна ноёб дори воситаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги

### Суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий пойдевори

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Буни суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мавқеини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ишларнинг самаралари ҳам тасдиқлаб турибди.

Шубҳасиз, буларнинг барчаси Конституциямиз шарофатидан, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимизнинг бевосита раҳнамолигида Асосий Қонуни- миз ишлаб чиқилди. Умум-халқ муҳокамаларида эса

фуқароларимиз ҳам ўз тақлиф ва мулоҳазалари билан фаол қатнашди. Ана шундай омиллар асосида Конституция лойиҳаси янада такомиллаштирилиб, халқаро талаблар даражасида шакллантирилди. Буни бежиз ёдга олма-дик. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар

томонлама муқамаллиги, хусусан, унда суд ҳокимияти мустақиллиги ҳамда одил судловни амалга ошириш орқали фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолат-лангани суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида муҳим омил бўлмоқда. Зеро, Асосий Қонуни-мизнинг

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Оналик ва болалик муҳофазасига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вази-рлар Маҳкамаси ҳузурдаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия раиси, Бош прокурор Р. Қодиров бошқарган мазкур йиғилишда болалар тиббий кўригини ташкил қилиш, оналар репродуктив саломатлигини таъминлаш, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофазасига қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш, тиббиёт муассасаларида моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш аҳоли ҳамда бу борада Сирдарё ва Наманган вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳофазасига қилинди.

(Давоми 3-бетда).

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

### Маҳалла фаоллари малакасини ошириш — долзарб вазифа

Республикамизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу янгиликлар жараёнида халқимизнинг бой тарихий тажрибасини ўзида мужассам этган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг иштироки, ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётир.

Табиики, бу борада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳақида ташкил этилган «Маҳалла зийиси» республика ўқув-услубий марказининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мухбиримиз марказ директори Баҳодир Юнусов билан ушбу муассаса томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўхбатлашди.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ёшларни ҳар жи-

ҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда мустақамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувлиқни таъминлаш борасидаги аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди, — дейди у. — Чунки, бугунги кунда маҳалла «мустақам оила» гоёсининг ижтимоий ҳаётдаги амалий ифодасини қарор топтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

2012 йилнинг 9 ойи давомида мамлакатимизда экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

12,4 фоизга кўпайди.

Экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий тармоқларининг экспорт салоҳиятини янада мустақамлаш юзасида кўрилатган чора-тадбирлар натижасида соҳада ана шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.

## БМТ Бош котиби ўринбосарининг учрашувлари

Мулоқот чоғида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг касб, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, хотин-қизларни ижтимоий муҳофазасига қилиш, саломатлигини мустақамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада дастуриямал бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг икки юздан ортқ ҳудудий бўлими, 42 мингдан зиёд бошланғич ташкилоти аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, билим ва савиясини юксалтириш, тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли қизларни аниқлаш каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Кўмита томонидан ўтказилаётган турли ижтимоий акциялар, спорт фести-валлари, кўрик-танловлар хотин-қизларнинг Ватан, жамият, оила ол-

(Давоми 2-бетда).

Юртимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ижрочи директори, БМТ Бош котибининг ўринбосари Бабатунде Осотимейн 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова билан учрашди.

дадаги масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси билан ҳамкорликда аёллар ўртасида спорт мусобақалари мунтазам ўтказилаётир.

Бабатунде Осотимейн мамлакатимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шaroитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофазасига қилиш борасида олиб борилаётган ишларга юксак баҳо берди. Учрашувда БМТ Аҳолишунослик жамғармаси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ўртасида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш борасида ўзаро тажриба ҳамда ахборот алмашувини такомиллаштириш, бу йўналишда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасида фикр алмашилди.

(Давоми 3-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРХИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига айлон-бир тарзда аралашига бўл кўйилмайди ва бундай аралашни кўнунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги кўнун билан кафолатланади, деб белгилаб қўйилган. Ушбу конституциявий талаблар асосида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари юксак самара бераётгани эса ҳеч кимга сир эмас.

Конституцияда белгилаб қўйилганидек, суд-ҳуқуқ ислохотларида, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гафронкуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиний жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимосидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, миллий кўнунчилигимизни дунё стандартларига, халқаро ҳуқуқ нормаларига ва принципларига мослаштиришга қаратилган муайян чоралар қўрилди. Буни 1993 йилда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Кўнун мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур Кўнун одил судловни амалга оширишда мустақам ҳуқуқий асос бўлиши баробарида, суд мустақиллиги таъминланишига муносиб замин яратди. 2000 йилда ушбу Кўнунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳусусида ҳам ана шундай фикрлар айтиш мумкин. Унга мувофиқ, умумий юрисдикция судлари иттихослаштирилиб, фуқаролик ва жиний ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, уларнинг жиний ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини самарадорлигини оширишга хизмат қилаётди.

Жиний жазоларни либераллаштиришга доир Кўнун амалиётга татбиқ этила бошлагандан буён эса 227 миллион сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 22 мингдан ортиқ шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тайинлангани ҳам бу борадаги

ислохотларнинг амалдаги самарасини яққол кўрсатиб турибди.

Жиний-процессуал кўнунчилигига апелляция институтини киритилиши ҳам жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Зеро, мазкур институт суднинг кўнуний қўнунга кирмаган ҳужжатлар устидан берилган шикоят, протестларини тўқатиш, қўшимча тақдим қилинган далил ва ҳужжатлар асосида иш унун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш, ишни биринчи инстанция судига янгидан кўришга юбормасдан,

сидаги конституциявий қоидага тўқик мос келади.

Конституцияда инсонпарварлик тамойиллари етакчилик қилади. У асосида қабул қилинаётган кўнун ҳужжатлари ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятида ҳам ушбу жиҳат устувор эканлиги кўзга яққол ташланиб туради. Жумладан, 2008 йилнинг январидан юртимизда ўлим жазоси бекор қилиниши ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга муҳим воқеа бўлди. Унинг ўрнига умрбод ёки узок

жада апелляция инстанцияси суд қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юбормасдан, янги ҳал қилив қарори қабул қилишдек процессуал ҳуқуққа эга бўлди. Бу борадаги ишлар Фуқаролик процессуал кодексига киритилган 201-бобда ҳам ўзининг ифодасини товланган, яъни судья маълум низооси тоифадаги талаблар бўйича суд буйруғи чиқариш вақолатига эга бўлди. Бу нечоғли аҳамиятга эга эканлигини рақамлар ҳам тасдиқлайди. Жорий йилнинг 9 ойи мобай-

рини фақат судья санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди. Бундай чорани қўллаш учун асос етарли бўлган ҳолларда прокурор, терговчи процессуал мажбурув чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни прокурор судга юборади. Эътиборлиси, илтимоснома жиний ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан яққа тартибда, ёпиқ суд мажлисида материал келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соат ичида кўриб чиқилади. Айбланувчининг тебиий муассасада бўлиш мuddатини узайтириш ҳам суд иштироғига берилди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш ҳамда жиний процессида "Хабёас корпус" институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 августида қабул қилинган "Суд тизими ҳодимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яқшиллаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада рўбга чиқарилаётган ислохотларда яна бир муҳим қадам бўлди. Унда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуринда Юристар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий ҳўжлик судида тайёрларлик ва стажировка ўтатиш, шунингдек, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу янгиликлар бизни кувонтириши баробарида, судьялар зиммасидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, суд-ҳуқуқ тизимида конституциявий талаблар асосида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлаб келинмоқда. Зеро, Асосий Қўнунимиз туб замирида ҳам шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу ниятларини рўбга чиқариш ҳамда инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этиш мақсади муҳасамдир.

**Бўриш МУСТАҚОФОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси.**

# Суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий пойдевори

йўл қўйилган камчиликни тузатиш ва процессуал кўнун бўзилиши ҳолатларини бартараф этиш, ҳукми тўлдириб, ўзгаришсиз қолдириш ёки суд ҳукмининг бекор қилиб, кўнуний асослар мавжуд бўлганда, оқлов ҳукми чиқариш борасидаги вақолатларини янада кенгайтириш. Утган йиллар мобайнида юзлаб жиний ишлари белгиланган мuddатларда ҳал қилиниб, кўнуний тўхтама қелишга эришилганига ҳам мазкур институт нечоғли аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Конституцияда асосида "Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиний, Жиний-процессуал кодекслари ҳамда Маълумий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Кўнуннинг қабул қилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислохотларида муҳим аҳамият касб этди. Унга кўра, жиний-ятлар таснифи тубдан ўзгарди. Айёл-лар ва ёши 60 дан ошган эркекларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарихисидаги жазо турининг энг кўп мuddати муайян жиний унун қонунда назарда тутилган энг кўп мuddатинг тўртдан ун қисмидан ортиқ бўлмалиги белгиланган. Шу билан бирга, жиний кўнунчилигидан мол-мулкни муСОдара қилиш тартиби чиқариб ташланди. Бу жиний кўнунчилигини либераллаштиришнинг энг муҳим қўнунчилиқларидан бири бўлиб, мазкур янгилик ҳусусий мулк дахлсизлиги тўғри-

мuddатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди. Айни чоғда қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг суд қарорисиз чекаб қўйилмаслигини таъминловчи ҳуқуқий механизм яратилди. Бу эса фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Асосий Қўнунимиздаги инсонпарварлик тамойилига мос суд-ҳуқуқ тизими ислохотларидан яна бири, шубҳасиз, суд амалиётига ярашув институтининг жорий этилишидир. Мазкур янгилик миллий урф-одатликлари ва умминсоний қадриятларга мослиги билан ҳам эътиборга молик. Унга кўра, ижтимоий ҳавфи катта бўлган жиний қўнунчилиги содир қилган шахс жабрланувчига етказилган зарарини тўла қоплаган тақдирда, жиний жавобгарликка таъдирланган бўлди. Эътиборлиси шундаки, мазкур институт қўнунга бошлагандан бун 134 минг нафардан зиёд қиллар жиний жавобгарликдан озод этилди.

Айтиш лозимки, суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш жараёнида суд ишларини соддалаштириш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Шу мақсадда амалдаги Жиний-процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига ўзгариш киритилиб, ишларни апелляция инстанциясида кўриб чиқиш тартиби йўлга қўйилди. Нати-

нида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 124 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилди ҳамда бир миллион 300 мингдан ортиқ суд буйруғи чиқарилиб, 481 миллион сўмдан зиёд маблағни ундириш белгиланди.

Айтиш кераки, Президентимиз томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тизими ислохотларида янги даврни бошлаб берди. Зеро, мазкур Концепция асосида ишлаб чиқилиб, парламент палаталари томонидан қабул қилинган ҳамда яқинда Президентимиз томонидан имзоланган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Кўнун бу борада муҳим аҳамият касб этди, албатта. Нега деганда, суд ҳикмияти мустақиллигини янада мустақамлашга қаратилган ушбу ҳужжат билан "Прокуратура тўғрисида"ги ва "Судлар тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиний-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодексларига муайян ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор ва терговчи томонидан қўнунли келинган айбланувчининг лавозимидан четлатиш ва шахсини тебиий муассасага ҳўлаштириш тартибидан процессуал мажбурув чорала-

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ижрочи директори, БМТ Бош котибининг ўринбосари Бабатунде Осотимейн Ўзбекистон Республикаси БМТ вазирининг ўринбосари Аҳам Икромов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари муҳоама қилинди.

## БМТ Бош котиби ўринбосарининг учрашувлари

Шу кунни Бабатунде Осотимейн Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш марказида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокара ўтказди. Ўз фаолиятини 2004 йилда бошлаган мазкур марказ хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш, касбий, ижодий ва маънавий салоҳиятини ошириш ишлари билан шуғулланади. Бугунги кунда мазкур марказ ЮНФПА билан қатор қўшма лоийҳалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бабатунде Осотимейн пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуаси билан танишди. Ушбу замонавий спорт саройида ўғил-қизларнинг спорт турлари билан шуғулланиши ва мусобақалар ўтказиш учун яратилган шарт-шароитлар меҳмонда катта таассурот уюлди.

**Ирода УМАРОВА,**  
**ЎЗА мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда унинг давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидagi вазифаларини янада кенгайтириш, шунга мос равишда фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида тақомиллаштириш орқали ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда миллий ва маънавий қадриятларни изчил тарғиб қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— "Маҳалла зиёси" республика ўқув-услубий маркази томонидан бу борада фуқаролар йиғинларига қандай ёрдам кўрсатилмоқда?  
— Маълумки, фуқаролар йиғинлари ҳодимлари билим ва малакасини ошириш, замонавий бошқарув кўникмасини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида 1999 йили "Маҳалла" хайрия жамоат фонди қозиди ушбу марказ ташкил этилган эди. Унинг асосий вазифалари сифатида эса миллий ва маънавий қадриятларни изчил тарғиб қилиш, маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйишда услубий ёрдам кўрсатиш, маҳалла фаолларининг билим ва малакасини ошириш, замонавий бошқарув кўникмасини шакллантириш ҳамда Фонд тизими ҳодимлари малакасини юксалтириш ва қайта

# Халқаро сайёҳлик ярмаркаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ипак йўлидаги туризм" халқаро сайёҳлик ярмаркаси бу борадаги имкониятларини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ун сақкизини бор ўтказилаётган ярмаркада Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Чехия, Ҳиндистон, Таиланд, Малайзия, Индонезия, Швейцария каби 40 дан ортиқ давлатлардан 700 дан зиёд фирма ва компаниялар вакиллари қатнашмоқда.

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистонда тўрт мингдан ортиқ тарихий-меъморий обида мавжуд. Юртимизнинг бебахо моддий ва маънавий мероси ҳисобланган ушбу осориатикалар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинапти. Мамлакатимизнинг муҳим туризм марказлари — Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган.

Шуни қайд этиш жоизки, туризм барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳа аҳолининг турмуш даражасини ошириш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва халқаро алоқаларни мустақамлаш имконини беради. Шу боис Ўзбекистонда мазкур тармоқ салоҳиятидан янада самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар белгилаб, муваффақиятли амалга ошириляпти. Жумладан, янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилапти, мавжуд транспорт коммуникациялари қайта таъмирла-

ниб, янгилари барпо этиляпти. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида "Тошкент — Самарқанд", "Самарқанд — Тошкент" йўналишларида замонавий тезорар "Афросиёб" поезди катнови йўлга қўйилди. Тошкент, Нўхус, Бухоро, Урганч шаҳарларидаги



аэропортлар модернизация қилиниб, халқаро талабларга мос сервис хизматлари кўрсатиш имконияти яратилди. Булар мамлакатимизга хорижий сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон 1993 йилда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) га аъзо бўлган. Ҳамкорликнинг ун тўққиз йили мобайнида мамлакатимиз ушбу ташкилот билан ҳамкорликда қатор муҳим тадбирларни ўтказди. Ипак йўли мамлакатларининг биринчи мажлиси (Самарқанд, 1994 йил), Маданий меросни сақ-

лаш бўйича семинар (Бухоро, 1996 йил), Ипак йўлида туризмни ривожлантириш бўйича учинчи мажлис (Бухоро, 2002 йил) шулар жумласидандир. 2004 йилда эса Самарқандда UNWTOнинг Минтақавий офиси очилди. 2010 йил 8 — 9 сентябрь кун-

бирлар самарадорлиги халқаро миқёсда эътироф этилаётганини ёрқин далилидир. Юртимиз сайёҳлик салоҳияти ва имкониятлари акс эттирилган кўргазма ҳамда стендлар "Ўзбекистон миллий павильони"дан жой олган бўлиб, унда ҳар бир вилоят-

нинг ўзига хос жиҳатлари, меҳмондўстлик тамоиллидан тортиб, ноб тарихий меъморий обидалари, осориатикалари, табият манзаралари, урф-одатлари ўз ифодасини товланган. Яна бир эътиборга молик жиҳати, бу галги кўргазмада "Тиббиёт туризми" мавзусига алоҳида ўрин ажратилган. Бу бежизга эмас. Негаки, айни пайтда сайёҳликнинг ушбу тармоғи жаҳон миқёсда жадал ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз ҳам мазкур жаҳда улкан салоҳиятга эга. Кўргазмада ана шу имкониятлар кенг намойиш этилмоқда.

Хориж компаниялари орасида Ҳиндистон, БАА, Словения, Таиланд, Чехия, Франция каби мамлакатлар стэндлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйотмоқда.

Ярмарка доирасида ташкил этилган "Миллий таомлар фестивали", "Шарк бозори" экспозицияларида иштирокчилар учун ўзбек миллий таомлари, миллий пазандачилик ҳақида кенг маълумотлар берилмаётди. Шунингдек, қатнашчилар "Ҳўнармандлар шаҳри" бўлимида маҳоратли усталар томонидан тайёрланган миллий ҳўнармандлик буюмларини томоша ва харид қилиш имконига эглар.

— "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан ҳамкорликда "Тошкент вилоятида 2012 — 2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш ва туризм хизматлари экспорти салоҳиятини ошириш манзилли чора-тадбирлар Дастури" ишлаб чиқилган, — дейди Тошкент вилояти ҳокимлиги вакили Файзуллохон Толибов.

— Бу каби сазй-ҳаракатлар натижасида 2012 йилнинг 9 ойида кўрсатилган туризм хизматлари ҳажми 17846,4 млн. сўмга етди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 139,5 фоизни ташкил этди.

— Ипак йўлидаги туризм — 2012" XVII Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси 2 ноябрга қадар давом этади.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**  
**Ҳасан ПАЙДОВ**  
**олган суратлар.**

тайёрлаш белгиланган. Бугунги кунда марказимиз бу борада фаол иш олиб бормоқда. Эътиборлиси, утган давр мобайнида марказ курсларида Тошкент шаҳридаги фуқаролар йиғинларининг 400 га яқин масъул котиблари малакасини оширишда услубий кўмак берилди. Эндилкида бу борадаги ишларни бутун республикамиз бўйлаб давом эттириш ниятидаим.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 июндаги "Ижтимоий нафақалар тайинлаш тартибини янада тақомиллаштириш ҳамда оилаларнинг жами даромадлари янада тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш тўғрисида"ги қарори иқросини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор чоралар қўрилганлигини айтиб ўтиш зарур. Яъни фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раислари ва масъул котиблари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари масъул котиблари учун ўқув-семинарлар уюштирилди.

# Маҳалла фаоллари малакасини ошириш — долзарб вазифа

Бу сазй-ҳаракатлар, табиийки, маҳаллаларнинг юқорида келтирилган қарор иқросини таъминлашдаги иштирокчи профессионал жиҳатдан янада кучайтиради.

Бундан ташқари, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаларининг маҳаллаларда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, аҳоли тиңчилиги ва осойишталигини сақлаш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда мунтазам ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

— Маҳалла фуқаролар йиғинларига услубий ва методик ёрдам бериш, ҳусусан, уларни турли ҳуқуқий қўнунма ва адабиётлар билан таъминлаш ҳам марказнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шу юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳусусида ҳам тўхталсангиз.

— Бу борада ҳам муайян ишлар олиб бораёямиз. Яъни ўтган давр мобайнида қўнунли илмий, услубий ва бошқа рисола-

лар чоп этиб, юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларига етказиб бердик. "Ҳуқуқ ва бурч — ютуқлар гарови", "Маҳалла: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами", "Маҳалла фуқаролар йиғинларининг намунавий тузилмаси ва иш юритиш услублари", "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларининг рўйхатга олиниши ва нотаривал ҳаракатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари", "Маҳаллаларда тўхталган ва маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар", "Оила ва никоҳ", "Компьютер саводхонлиги бўйича ўқув қўнунма", "Маҳалла: ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асослари", "Маҳаллада айрим муаммолар ва уларни бартараф этиш усуллари", "Фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари томонидан эҳтиёжманд оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойллик жами даромад микдорини ҳисоблаб чиқиш бўйича услубий қўнун-

ма" каби рисолалар шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда ушбу қўнунмалар фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада самарали ташкил этишда асқоатади.

— Маълумки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишда фуқаролар йиғинлари алоҳида ўрин тутади. Бу борада маҳаллаларга қандай ёрдам кўрсатилмоқда?

— Чўндан ҳам, одам савдосига қарши курашиш бугунги кунда жуда долзарб ҳисобланади. Бунда маҳалла имкониятидан самарали фойдаланиш айти мuddасидир. Шу боис жойларда кенг жамоатчилик билан ҳамкор-

# Экспортни рағбатлантиришнинг муҳим омили

Маълумки, дунёнинг қўнунли мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётида глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг ўткир асоратлари ҳамон сезилаётди. Бу, айниқса, ишлаб чиқаришнинг сусайиши, давлат қарзларининг ўсиб бориши, бюджет тақчиллиги, иқтисодиёт тармоқларидаги беқарорлик ва пасайиш каби салбий оқибатларда намоён бўлмоқда.

## Парламент ҳаёти

Мана шундай нуқолай шароитда ҳам Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўсишга эришмоқда. Булар Президент Ислам Каримов томонидан узокни қўлаб ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилган тараққиётнинг "Ўзбек модели" самаралари экани қўнунли нафузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда таниқли экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши юртимизда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашга катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан глобаллашув жараёнларида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган бу борадаги ислохотларни янада изчиллик билан амалиётга жорий этиш мақсадида мувофиқлиги айтиб ўтилди. Бу эса ҳудудлар ободлиги, шу жумладан, кишлоқ аҳолисини турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаёт сифатини тубдан яқшиллаш, бандликни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг уллушини кўпайтирди.

Давра суҳбатида глобаллашув жараёнида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган бу борадаги ислохотларни янада изчиллик билан амалиётга жорий этиш мақсадида мувофиқлиги айтиб ўтилди. Бу эса ҳудудлар ободлиги, шу жумладан, кишлоқ аҳолисини турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаёт сифатини тубдан яқшиллаш, бандликни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг уллушини кўпайтириш каби муҳим вазифалар иқросида айти мuddасидир.

Шубҳасиз, бунда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Яъни булар пиродар мақсад — яқин истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишда муҳим ўрин тутади. Мазкур ҳужжатда демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича илгари сурилган гоҳ ҳамда тақлифлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, соҳанинг ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш борасида "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги, "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлари тўғрисида"ги (янги таҳрирда), "Ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда бошқа қонунлар қабул қилинди. Тадбирда уларнинг аҳамияти ҳақида мулоҳазалар ўртага ташланди.

Давра суҳбатида мавзу бўйича сиёсий партиялар фақциялари аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ўз тақлиф билан тавсияларини билдиришди.

**Санджон МАХСУМОВ.**

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ суҳбатлашди.**

Оналик ва болалик муҳофазасига бағишланди

Йиғилишда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, болалар шифохоналари, ихтисослаштирилган клиникалар, перинатал ва кенг тармоқли скрининг марказлари, янги туғуруқхоналар фаолияти йўлга қўйилиб, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати тўбдан яхшиланганлиги қайд этилди.

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида оилада тиббий маданиятни ошириш, қизларни турмушга тайёрлаш, эрта никоҳларга барҳам бериш, туғма ва ирсий хасталиклар олдини олиш борасидаги ишларни самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги тадбирлар қўлами, айниқса, Мустаҳкам оила йилида янада кенгайтирилиши эътироф этилди.

Сирдарё ва Наманган вилоятларида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида касалликларнинг олдини олиш, бу борада ташхис-даволаш ишларини самарали ташкил этиш, ногирон болаларни соғломлаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссиялар томонидан соғлиқни сақлаш муассасалари, хотин-қизлар ва маҳалла кўмиталари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда таълим идоралари билан ҳамкорликда кенг қўлами ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, йиғилишда соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан никоҳланувчи йигит-қизлар, фертил ёшдаги аёллар ва болалар тиббий кўригини ташкил қилиш, аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва касб маҳоратини ошириш, тиббиёт муассасаларида моддий-техника базасидан фойдаланишдаги айрим нуқсонларни бартараф этиш, бу борада тегишли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Кун тартибидagi масала юзасидан соғлиқни сақлаш вазири, комиссия аъзоси А. Алимовнинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Боситхонова иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 20 ОКТЯБРДАН 25 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. «Геология-қидирув ишлари қўмитасининг ҳар қандай ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2012 йил 3 сентябрдаги 5-сонли қарори.

2. «Ўзбекистон Республикасида шаҳарда, шаҳар атрофи, шаҳарлар ва халқаро йўналишларда умумий фойдаланишдаги автомобиль ва электр транспортлари ҳамда соатбай ташилларда ташилган йўловчилар сонини ва йўловчилар айланishiни аниқлаш тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2012 йил 17 октябрдаги 6-сонли буйруғи.

3. «Тиббий фаолиятнинг тегишли тури, ҳаёми ва типини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага, тиббиёт асбоб-ускуналарига ва бошқа техника воситаларига, шу жумладан тиббиёт анжуманларига бўлган минимал талабларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 3 октябрдаги 281-сонли буйруғи.

4. «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тулдирини бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мк-сонли буйруғи.

2012 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2395 (2012 йил 2 ноябрдан қўлга кирлади).

II. Давлат реестридан чиқарилиди: 1. «Ўзбекистон Республикасида шаҳарда, шаҳар атрофи, шаҳарлар ва халқаро йўналишларда умумий фойдаланишдаги автомобиль ва электр транспортлари ҳамда соатбай ташилларда ташилган йўловчилар сонини ва йўловчилар айланishiни аниқлаш тўғрисидаги йўриқнома» 1-сон ўзгаришлари ва қўшимча» (рўйхат рақами 1164, 2002 йил 10 август), (рўйхат рақами 1164-1, 2011 йил 14 апрель). Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспортлари агентлиги бошлиғини буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 232-мк-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилиди. Маъмур ҳужжатлар конунчиликка ўзгариштириш қиритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилиди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. «Тўлов, қонийери ва кўма авлоқлиги қўйиш шўба»ларидан техник фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»-и буйруғи. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қарғини геология ўрганиш, санъатда, қўйиш ва қўйиш-машиш секторда ишларнинг беватар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди. Маъмур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, қўлга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатлардан қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмағлиги лозим.

Table with 6 columns: T/p, Yutuk mikdori (сўм), Viloyat filiali, Tuman (шаҳар) filiali, Jamgarma kassa raqami, Omonat hisob raqami. Contains a list of bank branches and their account numbers.

\* Изоҳ: «Имкон плюс» ютуқли омонати бўйича ютуқ соҳиблари ютуқларини олишлари учун «Ипотека-банк»нинг омонат ҳисобварағи очилган муассасаларига мурожаат қилишлари ва белгиланган тартибда олишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-89-17, 150-89-57. Ҳайъат раиси — Фаргона шаҳар ҳокими ўринбосари Масул котиб — «Ипотека-банк» АТИБ Минибанк ва жамғарма кассалар фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бўлим бошлиғи Н. Назаров, Ф. Норқўзиёв.

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, 2012 йил 22 июндаги 9095/13-сонли ва 2012 йил 14 мартдаги 3080/6-сонли ижро варақаларига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилади: 1. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Абдор Ҳидоят кўчаси, 24-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 42,0 кв.м. бўлган офис ва савдо маиший зинали кўрсатиш муқомуаси. Бошланғич баҳоси — 48 676 000 сўм. 2. «Арқони Зафар» МЧЖга тегишли, Шайхонтоҳур тумани, Жарақи кўчасида жойлашган, умумий майдони 453 кв.м., 2 қаватли ва ертўладан иборат, умумий хоналари сони 10 та, умумий йўлақлар сони 2 та, битта ёрдамчи хона, битта хожатхона, битта ошхонаси мавжуд бўлган бино. Бошланғич баҳоси — 467 218 854 сўм. 3. Олмазор тумани СИБ томонидан 2012 йил 11 июндаги 10-1109/18376-сонли ижро варақасига асосан тақдим қилинган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 269-уй манзилида 4184 кв.м. худудда жойлашган, бинонинг умумий майдони 1876 кв.м., 5 та блок («А» — 552 кв.м., «Б» — 355 кв.м., «В» — 600 кв.м., «Г» — 342 кв.м., «Е» — 27 кв.м.)дан иборат кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси — 850 824 544 сўм.

ЖАҲОН 24 соат ичида «Сэнди» талафотлари Америка Қўшма Штатларида кузатилаётган «Сэнди» тўфони йирик талафотларга сабаб бўлмоқда. Куни кеча табиий офат яна 42 кишининг ҳаётига зомин бўлди, дея хабар тарқатди «Франс-пресс» ахборот агентлиги. Жиддий зарар кўрган худудлар рўйхатига Коннектикут, Мэриленд, Нью-Йорк, Нью-Жерси, Шимолий Каролина, Пенсильвания, Виржиния ва Фар-...

Мавқени мустаҳкамлашга уринмоқда «Сингапур Эйрлайнс» авиакомпанияси фаолиятини кенгайтирмоқда.

Гап шундаки, у «Виржин» (Австралия) авиакомпанияси филиалининг акцияларини 108 миллион АҚШ долларига сотиб олди. Бугунги кунда Сингапурдаги авиаташувчилар ўртасида кучли рақобат мавжуд. Масалан, Австралиянинг яна бир компанияси — «Qantas» ушбу борзorning етакчиси ҳисобланади. «Сингапур Эйрлайнс» фаолиятини ривожлантириш орқали айнан ана шу мавқени эгалламоқчи.

Энг мақбул чора — тежамкорлик

ботида қайд этилган. Банк маъмурияти вазиятни ўнглаш мақсадида келгуси уч йил ичида ўн мингга яқин иш ўринларини қисқартиришини маълум қилди. Шу орқали 5,4 миллиард франк тежаб қилиш кўзда тутилган. Экспертлар молия муассасасининг бундай ҳолатга тушиши жаҳон иқтисодиётидаги бекарорлик билан боғлиқ, дея баҳолашмоқда.

Рефери устидан шикоят

Ўтган ҳафтанинг дам олиш кuni Англиянинг «Челси» ва «Манчестер Юнайтед» футбол жамоалари ўртасида кечган баҳс энди полиция муҳокамасига ўтди. «Ассошиэтед пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, «Челси» жамоасидан ўша учрашувни бошқарган бош ҳакам Марк Клаттенбург устидан ҳуқуқ-тартибот идорасига шикоят тушган. Унга кўра, рефери ўйин пайтида «Челси» футболчиларини ирқчиликда айблаб, айримларини ҳақорат ҳам қилган. Жумладан, футболчилардан Жон Оби Микель ва Хуан Мата ҳақамнинг сўзларидан ўзларини базўр ушлаб турганликларини билдиришган. Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ОИТС, сил ва безғак (безғак компоненти)га қарши курашиш бўйича Глобал фонднинг грант йўлқасини амалга ошириш гуруҳи инсектицид ва ларвацидларни сотиб олиш учун танлов эълон қилади. Етказиб берувчиларга талаблар: Тақлифларда куйидагилар кўрсатилиши лозим: — махсулот номи; — етказиб берувчи фирма/ишлаб чиқарувчи мамлакат; — препаратив шакли; — фаоли ингрдиент; — ишлаб чиқарилган пайдан бошлаб яроқлилик муддати; — сарфланиш меъёри; — препаратнинг қолдиқ таъсири; — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти лабораторияси сертификат; — Ўзбекистонда рўйхатга олинганлиги; — донсанининг баҳоси; — тўлов шартлари, етказиб бериш шартлари. Сотиб олиш миқдори: инсектицидлар — 1100 кг., ларвацидлар — 2200 литр. Батафтор тақлифларини khabib\_tagziyov@gtfmlariga.uz электрон манзилга юбориш ёки қуйидаги манзилга «Глобал фонднинг лойиҳани амалга ошириш гуруҳи» учун ёзуви билан топшириш мумкин: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳқўчаси, 46-уй. Мулоқот учун телефонлар: (+99871) 120-32-93/94, моб. (+99890) 998-79-69.

«КО'CHMAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади. Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2012 йил 28 августдаги 10-1210/12463-55-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 104-уйда жойлашган, «GREEN SAIL» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 10361 кв.м., умумий майдони 4417 кв.м. бўлган бино қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 500 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 3 декабрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 30 ноябрь кuni соат 18.00. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'CHMAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800090420609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ ўзида ишлаб чиқарилган махсулотни сотади. (ҚҚС билан) «Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чоқли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган. Баҳоси — 1 тонна учун 9 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан. 2012 йилдаги эҳтиёжни йил чорақларига бўлиб беришингизни сўраймиз. Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Болалар спорти

Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ўсиб келаётган авлод қалбида спортга муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Баркамол авлод

келажагимизнинг муносиб давомчисидир

Ўтган давр мобайнида мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан қарийб 1500 та замонавий болалар спорти объеклари барпо этилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли ҳар бир мактаб, коллеж ва лицей очик спорт майдончаларидан ташқари, замонавий анжомлар билан таъминланган ёпиқ спорт заллари ва сузиш хавзаларига ҳам эга.



19 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида республика финал босқичида иштирок этди. Байрамона руҳда ўтган қизқарли беллашувлар якунида Жиззах вилоятидан келган Соатовлар оиласи биринчи, Наманган вилоятидан Бойматовлар оиласи иккинчи, Тошкент шаҳридан Сафинлар оиласи учинчи ўринни қўлга киритди.

Жамиятимиз томонидан ташкиллаштирилган мактаб ўқувчилари ўртасидаги "Кувноқ стартлар" телеўйинининг худудий ва вилоят босқичлари ҳам юқори савияда кечди. Хусусан, унинг дастлабки босқичида 901 612, иккинчи босқичида 211 206 нафар ўқувчи қатнашган бўлса, вилоят босқичида 2296 нафар ўқувчи ўз омадини синаб кўрди. Улар орасидан 336 нафари республика финал босқичи йўлнамасини қўлга киритди. Хал қилувчи беллашувлар ҳам жуда қизқарли кечди. Айтиш жоизки, бу тадбир ёшлар ўртасида дўстона алоқаларни йўлга қўйиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни кундалик турмуш тарзига айлантириш, болаларда ҳаракатли ўйинларни мустақил ҳолда ташкил этиш каби вазифаларни амалга оширишга қўмақлашиши, шубҳасиз.

Яна бир гап. Ўқувчи-ёшларимизнинг халқаро спорт мусобақаларида иштирок этишига ҳам имкон яратилмоқдаки, натижада улар қатор ютуқларни қўлга киритишмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида 1992 — 1994 йилларда туғилган ўсмир қизлар ўртасида қўл тўпи бўйича

Биз соғлом авлодни қандай тасаввур қиламиз? Соғлом авлод гоёси орқали олдимизга қандай максатлар қўйилган? Бу саволларга давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари аниқ жавоб бўла олади: "Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-этиқоиди бутун, билими, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунам. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади". Узимизга хос ва мос тараққиёт йўлимизнинг узвий қисми, таъбир жоиз бўлса, энг муҳим бўлган саналган мазкур сиёсат бундан кейин ҳам ўзининг ёрқин медалларини беришига ишончимиз комил.

Бобоқул САҒАРОВ, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

Хушхабар

Жанубий Кореянинг Кенжу шаҳрида тазквондо (WTF) бўйича ўтказилган "Корея оупен" халқаро турнирида 27 нафар спортчидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

Тазквондочиларимизнинг ажойиб ғалабаси

Дунёнинг 43 мамлакатидан бир ярим минг нафардан зиёд энг кучли тазквондочилар баҳс олиб борган мазкур мусобақада вакилларимиз 22 та совринли ўринларни, жумладан, 4 та олтин, 4 та кумуш ва 14 та бронза медални қўлга киритишди.

Мурасасиз беллашувларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Умида Абдуллаева — Италия ва Россиядан келган тазквондочиларни, Баҳром Абдуллаев — Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Япония, Александр Ли — Индонезия ва Филиппин, Александр Ни — Тайвань, Япония ҳамда мезбон давлат спортчиларини мағлубиятга учратиби, шоҳсултаннинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Терма жамоамиз аъзоларининг ушбу ёрқин ғалабаси муклис мутахассислар томонидан жуда юксак баҳоланди.

Ш. ОРТИҚОВ.

Реклама ва эълонлар

Хурматли юртдошлар!



«АСАКА» банки (ОАЖ)

яқинлашиб келаётган Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллик байрами билан қутлайди ва хорижий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

«МАҚСАДЛИ-2012»

АҚШ доллариди. Сақланиш муддати — 1 йил. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

«КАФОЛАТЛИ-2012»

Еврода. Сақланиш муддати — 1 йил. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Table with 3 columns: Branch Name, Phone Number, and Address. Lists various branches of ASAKA BANK across Uzbekistan.

Барча омонатлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

- Сизнинг омонатларингиз:
• солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
• маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
• эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
• миқдори чекланмаган.

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

савдолар залида 2012 йил 16 ноябрь ва 3 декабрь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичида-босқич охири бориш тартибиди ўтказилган очик аукцион савдосига суд ижрочилари Самарқанд шаҳри бўлими томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2012 йил 27 августдаги 14-01215/9329-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қуйидаги мулк тақроран савдога қўйилмоқда:

«Самарқанд улғуржи савдо инвест» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон қўчаси, 116-уйда жойлашган бино ва иншоотлар, умумий ер майдони — 21905,76 кв.м., қурилиш ости майдони — 10871,10 кв.м., фойдаланилаётган майдон — 11096,75 кв.м., жами 201 хонадан иборат.

Бошланғич баҳоси — 3 125 000 000 сўм. Талабдорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулк 2012 йил 16 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, тақрорий аукцион савдоси 2012 йил 3 декабрь кунли сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Манзилими: Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 196-уй. Тел.: (8-366) 229-03-12, 229-65-88. Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршисида.

ОБ-ҲАВО

Table with weather forecasts for various regions including Bukhara, Navoiy, Tashkent, Samarkand, and Kashkadarya.

Advertisement for UzCaseService featuring New Holland construction and agriculture equipment like excavators and tractors.

Advertisement for «Қибрай» sanatorium, highlighting its location, services, and amenities.

Footer section containing contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.